Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 28 апрель 1974 йил, якшанба • № 101 (15.881). • Баҳоси 2 тийин.

◆ КЕЧА МОСКВАДА ВЛКСМ XVII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ.

◆ КОМСОМОЛГА В. И. ЛЕНИН НОМИ БЕРИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС БЎЛДИ.

◆ ДЕЛЕГАТЛАР КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА БАЛАНД РУҲ БИЛАН ТАБРИК ХАТИ ЙЎЛЛАДИЛАР.

◆ ПАРТИЯ ЧАҚИРИҒИ ЁШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Биз, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XVII съездининг делегатлари, комсомоллар, барча совет ёшлари номидан мамлакатнинг ёш авлоди тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик учун фарзандлик меҳр-муҳаббати ва қизғин миннатдорчилик сўзлари билан КПСС Марказий Комитетига мурожаат қиляпмиз.

Партиянинг доно ва қайноқ сўзидан, КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XVII съездига йўллаган табрикномасида, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг теран маъноли ёрқин нутқида Ленин комсомолининг фаолиятига берилган юксак баҳодан руҳланган комсомоллар, барча йигит ва қизлар жонажон партия ўртага қўйган вазифаларни янада зўр ғайрат билан бажараверадилар.

Шу апрель кунлари биз ўз ишларимизни ва фикр-зикримизни Ленин васиятлари билан қайта-қайта таққослаб кўряпмиз. Марксизм-ленинизм таълимоти, Ленин иши абадий барҳаётдир. Бу таълимот ва бу иш Коммунистик партиянинг, Совет халқининг зафарларида яшаб, тантана қила беради.

Ленин комсомоли, совет ёшлари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг партия XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасидаги, Тинчлик программасини рўёбга чиқариш соҳасидаги тинимсиз фаолиятини яқдиллик билан маъқуллайдилар ва чексиз қўллаб-қувватлайдилар.

Партиянинг раҳбарлиги, унинг буюк ва бебаҳо тажрибаси Ленин комсомолига куч-қувват бахш этади. КПСС Марказий Комитетининг кундалик эътибори ва ғамхўрлиги туфайли янги жамият қуришда, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг жанговар резерви ва ишончли ёрдамчиси бўлган ВЛКСМнинг роли ва масъулияти ошиб бормоқда.

Бундан эллик йил муқаддам, Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг VI съездида комсомол Ленин номини қабул қилаётганида ҳамиша ва ҳар ишда Ленин васиятларига оғишмай амал қилиш тўғрисида муқаддас қасамёд қилган эди. Комсомолларнинг барча авлодлари жангдаги ва меҳнатдаги ишлари билан шу тантанали қасамёдга содиқ эканликларини исботладилар.

Дастлабки коммунистик шанбаликларда бошланган зарбдорлик эстафетаси Магнитка ва Турксиб орқали олиб ўтилди, дастлабки чўлқуварлар, Ангара заб-тқорлари, Тюмень нефтчилари, КамАЗ қурувчилари — барча зарбдор комсомол қурилишларида шу эстафетани қўлдан-қўлга олдилар. Ҳозир Байкал-Амур магистралидаги, Россия Федерациясининг бутун қора тупроқ бўлмаган зонаси майдонларидаги минг-минглаб янги кўнгилли комсомоллар бу эстафетани қабул қилиб олмоқдалар.

70-йилларнинг комсомоллари — ёш ишчилар ва колхозчилар, мутахассислар ва олимлар, студентлар ва ўқувчилар, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари — ўзларининг қунт билан қилаётган меҳнатлари ва ўқишлари билан Ленин номини олишдек фахрли ва масъулиятли ҳуқуққа муносиб эканликларини тасдиқламоқдалар.

ВЛКСМнинг бутун фаолияти коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ кураши билан чамбарчас боғланган. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлайлик, деб қилинган даъватга жавобан миллион-миллион йигит ва қизлар фидокорона, ҳақиқатан ҳам зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Бугун ва эртага кечагидан яхшироқ ишлайлик, деган беш йиллик шиори Ленин комсомолининг жанговар шиори бўлиб қолди.

Коммунистик партия комсомол олдига ишнинг юксак сифати учун, маҳорат учун, завод маркасининг сифати учун бошланган оммавий ҳаракатда жанговарлик билан қатнашишдан иборат бениҳоя муҳим вазифани қўйди.

Комсомоллар, йигит ва қизлар янада активлик билан ижодий ташаббус ва дадил почин кўрсата бердилар, профессионал маҳоратини такомиллаштирадилар, меҳнат унумдорлигини оширадилар, кам чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берадилар, иқтисод ва тежамкорлик йўлини қатъият билан давом эттирадилар. Биз ёшларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида янада собиқадамлик билан тарбиялашни ўз бурчимиз деб биламиз.

Ленин комсомоли ёшларнинг ҳунар-техника таълими олишига оталиқни кучайтиради, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг ёш ўринбосарлари тайёрланаётган ҳар бир ўқув юртига ғамхўрлик қилиб, доимо эътибор беради.

Комсомоллар, йигит ва қизлар, марксизм-ленинизм назариясини, замонамизнинг энг илғор революцион таълимотини янада чуқур эгаллайдилар. СССР халқларининг бузилмас дўстлигини доимо мустаҳкамлаш, ёшларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқат, буржуа идеологиясига муросасизлик руҳида тарбиялаш — бизнинг юксак бурчимиздир. Ҳар бир йигит ва қизда юксак аҳлоқий фазилатлар ва эстетик дидларни, маънавий ғўзаллик ва жисмоний камолотни янада сабот билан шакллантиришни, мардликни, Октябрнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга шайликни кучайтиришни ўз вазифамиз деб биламиз.

Ленин комсомоли ўз ишини ташкил этганда, ёшлар доимий, қунт билан ижодий ўқийдиган, ўз билимларини тўлдириб, чуқурлаштирадиган, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшадиган бўлишига асосий эътиборни беради.

Ленин комсомоли пионер ташкилотига раҳбарликни доимо такомиллаштираверади, мактаб, оила ва жамоатчилик билан яқин иттифоқ бўлиб, мактабда ўқувчи пионерлар, комсомолларда Ватанга чексиз муҳаббат, аъло ўқишга интилиш, меҳнат қила билиш, меҳнатни ҳурматлаш туйғусини тарбиялайверади.

Пролетар интернационализмига содиқ бўлган комсомол социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ёшлари билан қардошларча дўстликни тинимсиз мустаҳкамлайди.

Биз халқаро коммунистик ва демократик ёшлар ҳаракатини жиплаштириш учун курашдаги куч-ғайратларимизни кўпайтирамиз. Ўз озодлигини ҳимоя қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқи билан, фашистлар террорига қарши мардона кураш олиб бораётган Чили ватанпарварлари ва демократлари билан, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик учун курашаётган араб мамлакатларининг ёшлари билан чин қўнгилдан бирдамиз. Совет комсомоли империализмга қарши, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун, тинчлик учун, ёшларнинг энг яхши келажаги учун курашаётганлар билан ҳамиша ҳамдамдир.

Биз, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз, комсомол ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштирамиз, сафларимизнинг интизоми ва уюшқоқлигини мустаҳкамлаймиз, ҳар бир комсомолни совет ёшлари илғор отрядига мансублик учун юксак масъулият руҳида тарбиялаймиз. Биз ҳар бир комсомол комитети ёшларнинг меҳнатдаги, ўқишдаги ва дам олишдаги чинакам ташкилотчиси бўлиб қолишига ҳаракат қиламиз.

ВЛКСМ XVII съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини тантанали равишда ишонтириб айтадики, Ленин комсомоли ўз сафларини жонажон партия теварагига янада маҳкамроқ жиплаштиради, партиянинг доно раҳбарлигида Ленин номини ифтихор билан баланд кўтаради, коммунизм йўлида Ленин васият қилганидек ўқийди, ишлайди ва курашади.

Яшасин улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети!

Яшасин севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

БИРИНЧИ МАЙ ТУҲФАЛАРИ

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари Май олди меҳнат вахтасида туриб маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини 26 апрель куни бажардилар. Айниқса апрель ойи мобайнида электрон техника, агрегат, ремонт-подшипник, газ аппаратлари, шампан вино заводларининг, 2-тикувчилик фабрикаси, «Шарқ» мебель фирмаси ва бошқа бир қанча корхоналарнинг меҳнатчилари зўр ғайрат билан ишладилар.

Республика пойтахти саноати ой охирига қадар пландан ташқари 18 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади.

* * *

Тошкент областидаги саноат корхоналарининг меҳнатчилари Узбекистон ССР билан Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб маҳсулот реализация қилиш ва муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан тўрт ойлик топшириқни 26 апрель куни бажардилар. Ой охирига қадар пландан ташқари 40 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари беш йиллигининг тўртинчи, белгиловчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга ахд қилиб тўрт ойлик планни муддатидан беш кун олдин бажардилар, Апрель ойида программага қўшимча равишда 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиликади.

* * *

Узбекистон маҳаллий саноат корхоналарининг коллективлари республика билан Узбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун авж олиб кетган мусобақага қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш бўйича 1974 йил тўрт ойлик планини 26 апрелда бажардилар. Апрелнинг қолган кунлари мобайнида пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Узбекистон балиқ саноати корхоналарининг балиқчилари, ишчилари, инженер-техник ходимлари, шунингдек республикадаги балиқ овловчи колхоз коллективлари маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини муддатидан олдин, 26 апрелда бажардилар. Республика меҳнатчилари апрель ойида пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот оладилар.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВ АМЕРИКА СЕНАТОРИ Х. СКОТТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев республикачилар партиясининг таниклик арбоби, АҚШ сенатида республикачилар бошлиги Хью Скоттни 26 апрель куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат давомида СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир кўпгина масалалар ва бир қанча халқаро проблемалар хусусида сўз борди. Жумладан, курол-яроғларни чеклаш проблемасига, шунингдек тўла тенг ҳуқуқлилик асосида ва ҳеч қандай камситмасдан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалаларига эътибор берилди.

Кейинги икки йил мобайнида Совет-Америка муносабатларини яхшилаш соҳасида қўйилган катта қадамларга ва шунинг натижасида ҳар иккала мамлакат ўртасида тинч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратилганлигига юксак баҳо берилди. Бу эса Совет ва Америка халкларини манфаатларига, шунингдек халқаро кескинликни янада юмшатиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мувофиқдир.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров катнашди.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

26 апрелда Кремлда Ленинградданги «Электросила» электр машинасозлик бирлашмасининг йиғувчи слесарлари бригадири С. С. Витченкога, Москва областидаги Реутовский ип йигириш фабрикасининг йигирувчиси О. П. Вохмянинага, Олтой ўлкасининг Егорьев районидаги Фрунзе номли колхоз комплекс бригадасининг бошлиги П. Н. Печенкинага, фахрий металлург, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинати домна цехининг собиқ катта мастери А. Л. Шатилинга Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Урок ва Болга» олтин медали топширилди. Улар шавкатли меҳнат қилганликлари, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларга касб-кор ўргатиш борасида катта иш қилганликлари учун шу юксак мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган нутқида ишчиларнинг ёш ўринбосарларини тарбиялаш ва ўқитиш ишига шу илғор меҳнатчи-педагоглар қўшган катта ҳиссага юксак баҳо берди.

Ишчи устодларга мукофотларни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний топширди.

Мукофотланганлар ўз хизматларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар ҳамда Ватаннинг янада равнақ топиши, совет ёшларини тарбиялаш ва ўқитиш ишига бутун куч-ғайратимизни сарф қиламиз деб ишонтирдилар.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан мукофотланганларни самимий табриклади, совет меҳнаткашларининг ёш авлодини тарбиялаш ва ўқитиш борасидаги самарали ишлари учун миннатдорчилик билдирди, уларга янгидан-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКОНИНГ А. КАРЬЯЛАЙНЕН БИЛАН СУҲБАТИ

25 апрелда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Финляндия Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри А. Карьялайнен билан суҳбатлашди.

Дўстона ва ишчанлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида муҳим халқаро проблемалар ва Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг иккинчи босқичини жуда қисқа муддат ичида ниҳоясига етказиш ва кенгашнинг якунловчи босқичини Хельсинкида олий даражада ўтказишга доир масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Нонушта-зиёфат чоғида А. А. Громико билан А. Карьялайнен нутқ сўзладилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Финляндия Республикаси Бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ахти Карьялайнен 26 апрелда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда А. А. Громико билан бирга СССР министрлари К. И. Галаншин, В. П. Елютин, СССР министрларининг ўринбосарлари М. Р. Кузьмин, И. Н. Земсков, СССР ташқи ишлар министрлиги бош секретари Ю. Н. Черняков, СССРнинг Финляндиядаги элчиси В. С. Степанов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Финляндия томонидан Финляндия ташқи ишлар министрлиги сиёсий бўлимининг мудири М. Туовинен, Финляндиянинг СССРдаги элчиси Б.—О. Г. Алхолм, бош консул А. Карппинен ва бошқалар қатнашдилар.

Зиёфат вақтида А. Карьялайнен билан А. А. Громико дўстона қадаҳ кўтардилар.

(ТАСС).

УЛУҒ ЛЕНИН НОМИ БИЛАН

ВЛКСМ XVII съездининг комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси

Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган нутқида комсомолни Ватанимиз абадий ёшлигининг рамзи, деб атади. Ҳозир совет кишилари социализм ва коммунизм йўлида олиб борилган курашнинг ҳамма босқичларида Октябрь мамлакатининг ёшлари қилган ишларни эсламоқдалар, етмишинчи йилларнинг ёш гвардияси ўз ишларини уларга таққосламоқда.

Кремлнинг Съездлар саройида комсомол барча авлодларининг кураш ва зафар байроқлари баланд кўтарилган. Тарихда қолиб кетган йилларнинг вақиллари билан замонамиз қаҳрамонлари: Қишки саройни штурм қилган, комсомолни барпо этган энг иззатли кишилардан тортиб, комсомолнинг энг ёш намояндалари — ўқиш ва меҳнат аълочилари ана шу лола ранг байроқлар остида туришибди. Боболар, оталар ва фарзандлар ягона ақил оила бўлиб, шонли санани — коммунистик ёшлар союзига Владимир Ильич Ленининг табаррук номи берилган куннинг 50 йиллигини кутиб олмоқдалар.

27 апрель куни ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кремль Съездлар саройида бўлиб ўтган тантанали мажлиси шу воқеага бағишланди.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқларни делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шарафига, улуғ совет халқи, Ленин комсомоли шарафига табрик хитоблари янграйди.

Ажойиб юбилейни чет эллик меҳмонлар ВЛКСМ XVII съезднинг делегатлари билан, комсомол барча авлодларининг вакиллари билан бирга нишонлайдилар.

Тантанали мажлисни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников очди.

Комсомолнинг бутун қаҳрамонона тарихи, деди у, Ленин комсомоли, совет ёшлари РКСМ VI съезднинг делегатлари В. И. Ленин номини қабул қилаётиб, қилган муқаддас қасамёдга содиқ бўлиб келаётганлигининг яққол далилидир.

Комсомол Ленин номини дилга жо қилиб, Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокиятини қарор топтирди, душманларнинг ғазабли ғирдоби оша революциянинг қирмизи байроғини олга эптиб келди. Будёновка кийган комсомоллар-нинг сўнмас образи тарихга абадий ёзилиб қолди. Комсомол Ленин номини дилга жо қилиб, дастлабки беш йилликлар қурилишларига бориб ишлади, колхозларда биринчи жўякни очди.

Комсомол Ленин номини дилга жо қилиб, Ватанимиз учун даҳшатли синов дамларида коммунистлар билан биргаликда социализм ғалабаларини ҳимоя қилди, севикли Ватанимизни ҳимоя қилди, деди сўнгра нотиқ. Улуғ Ватан урушининг ўз номларини абадийлаштирган ёш қаҳрамонлари келажак авлодлар хотирасида доимо сақланиб қолади. Комсомол Ленин номини дилга жо қилиб, Коммунистик партия раҳбарлигида, халқ билан биргаликда шаҳар ва қишлоқларни, заводларни қуртепалардан қайта тиклади, Сибирь, Узоқ Шарқ, Узоқ Шимол бойликларини ўзлаштирди. Зарбдор комсомол қурилиши комсомоллар, совет ёшлари революцион мардлигининг, Коммунистик партияга содиқлигининг тимсоли бўлиб қолди.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш қаҳрамонномаси умумхалқ жасорати, коммунистларнинг ва уларнинг ёрдамчилари бўлган комсомолларнинг шижоати бўлиб қолди. Комсомол Ленин номини дилга жо қилиб, революцион курашчиларнинг авлодини воя-га етказмоқда, коммунистик ахлоқ ва одобни, социалистик пролетар интернационализми принципларини қарор топтирмоқда, ёш курашчиларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги иттифоқини мустаҳкамламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бизнинг съездимизда сўзлаган нутқида комсомолнинг қаҳрамонона фаолиятини юксак баҳолади. «Биз комсомол босиб ўтган йўлга, унинг шонли ишларига назар ташлаб, у Ленинчи Ёшлар Союзи деган юксак номни ғоят муносиб равишда оқламоқда, деб тўла асос билан айта оламиз», деди Леонид Ильич.

Улуғ ва доно Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бизни Ленин йўлидан бошлаб бормоқда. Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети Ленин ғоялари байроғи остида мамлакатимиздаги барча миллатларга мансуб меҳнаткашларни, ёшларни жиплаштирди, коммунизм учун миллион-миллион фидокор ёшларни тарбиялаб етиштирди.

Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVII съезди кекса авлодга қилинган қасамёд муқаддас, бузилмас эканлиги, Ленин комсомоли ҳамиша Коммунистик партиянинг содиқ ва жанговар ёрдамчиси, унинг ишончли резерви бўлганлиги, ҳозир ҳам шундайлиги ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши тўғрисида совет халқига, Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига рапорт беришдек катта шарафга муяссар бўлди, деди Ленин комсомолининг Марказий Комитетининг биринчи секретари маржис ақлининг гулдурос қарсаклари остида.

Залда афсонавий тарих саҳифалари бамисоли тилга киргандек бўлади. Зал гумбазлари остида «Ёш гвардия» қўшиғи куйлари янграйди. Комсомолнинг тарихий олтинчи съезди делегатлари ВЛКСМ XVII съездини табриклайдилар. РКСМ VI съезднинг делегати, таниқли совет дипломати В. А. Зорин нутқ сўзлайди.

Бундан ярим аср муқаддам, 1924 йил июлида ёш Советлар республикаси йигит ва қизларининг илғор отряди ўзининг бутун кучини Ленининг ўлмас васиятларини амалга оширишга сарфлашга қасамёд қилган эди, деди у. Комсомол бу қасамни шараф билан бажарди. Комсомоллар ҳамма йиллар мобайнида, барча синовлар даврида шу қасамга содиқ бўлиб келдилар. Улар партия ишига, порлоқ ленинизм идеалларига содиқ эканликларини меҳнатда ва жангда исботладилар.

Нотиқ комсомол ветеранлари бўлган ўз ўртоқлари номидан ВЛКСМ XVII съезди делегатларини, барча совет ёшларини комсомоллар илк авлодлари сўнмас революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ардоқлаш ва кўпайтиришга чақирди. Ўз социалистик Ватанига, халқига ихлос билан хизмат қилишдан ҳам. Ленин партияси раҳбарлигида коммунизм қуришдан ҳам зўр бахт йўқ.

«Биз — темирчилармиз, руҳимиз ҳам ёш!» қўшиғининг куйлари ишчилар синфи кекса авлодининг зафарларини эсга туширади. Мажлис аҳли шу авлоднинг шонли вақилларини — партия ветеранларини, комсомол VI, VII, VIII ва бошқа съездларининг делегатларини қизғин қарсаклар билан кутиб олди. Улар номидан машҳур тўқувчи — 30-йиллар стахановчиси, ВЛКСМ Фахрий нишонининг кавалери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. И. Виноградова нутқ сўзлайди:

— Менинг авлодимга қийин, аммо ғўзал тақдир муяссар бўлганлиги билан бахтиёрман. Мен-инг авлодим Комсомольск-Амур ва ДнепроГЭСни, Кузнецк ва Магнитканн, Москва метроси ва Сталинград трактор заводини қурди. Шу ишчиотларнинг ҳаммаси қаҳрамон ишчилар синфининг қўли билан Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида барпо этилди.

Ўша вақтларда Стаханов, Бусыгин, Кривоносдар ўз рекордлари билан бутун мамлакатга довруг ёйдилар. Биз ҳам дугонам Дуся Виноградова иккаламиз йигитлардан қолишмаймиз! — деган қарорга келдик. Енгил саноат оғир саноатдан орқада қолиши мумкин эмас эди. Биз Т. Одинцова билан мусобақа боғлаб, ниҳоят 216 станокда ишлай бошладик. Дастлабки беш йиллиқларнинг комсомоллари ана шундай ишлар қилишган. Улар коммунизм қуришни ана шундай ўрганишган.

М. И. Виноградова 70-йилларнинг комсомолларини бундан буён ҳам азиз Владимир Ильич Ленин номига муносиб бўлишга чақирди.

Ишчилар синфи гвардиясининг вакили, ВЛКСМ XIV съезднинг делегати К. А. Северинов Алексей Стахановнинг кончилик болгасини ёш шахтёр Валерий Куртовга топширади. Валерий Куртов меҳнат қаҳрамонлигининг ана шу тимсолини қабул этиб, Ватан экономикасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кўп иш қилган комсомол ветеранларига фарзандлик миннатдорчилигини изҳор қилди. 70-йилларнинг комсомоллари, деди у, Коммунистик партия раҳбарлигида кекса авлодларнинг шуҳратини давом эттирадилар ва кўпайтирадилар, тўққизинчи беш йиллиқни муддатидан аввал бажариш учун қунт билан курашадилар.

«Ташаббускорлар марши» эшитилади. Яшил коржомадаги йигит ва қизлар залга олти томондан кириб келадилар. Улар коржомасининг енгида асримизнинг янги азим ишшооти — Байкал—Амур темир йўли эмблемаси тасвирланган. ВЛКСМ XVII съезди номли Бутуниттифоқ зарбдор комсомол отряди тантанали марш қилади. Яна бир неча соатдан кейин поезд бу отрядни магистрал қурилишига олиб кетади.

Отряд комиссари Владимир Мучнцин рапорт беради:

— Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари!

Биз, Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикалар комсомол ташкилотларининг вакиллари партиянинг энг муҳим топшириғини бажаришга тайёрмиз!

Коммунистик партия ишига, коммунизм қурилишига бутун кучимиз, билимимиз, комсомоллик қалби ҳароратини сарфлашга қасамёд қиламиз!

Қасамёд қиламиз! Қасамёд қиламиз! Қасамёд қиламиз! деган садолар зал гумбазлари остида янграйди.

Отряд жангчиларини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Главмосстрой» комсомол-ёшлар монтаж бошқармасининг бошлиғи Г. В. Масленников табриклайди:

— Минг-минглаб кўнгиллилар орасидан биринчи бўлиб беш йилликнинг энг муҳим қурилиши — Байкал—Амур магистралига комсомол йўлланмасини олишдек буюк шараф сизларга муяссар бўлди.

(Давоми учинчи бетда).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

26 апрелда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Пленум Е. М. Тяжельниковни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Б. Н. Пастухов, С. Г. Арутюнян, В. В. Григорьев, В. А. Житенев, Л. И. Матвеев, З. Г. Новожилова, Д. Н. Филиппов, В. С. Ярошовец ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Пленум В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти Марказий Советининг раиси қилиб А. В. Федуловани тасдиклади.

ВЛКСМ Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. В. Б. Арсентьев Марказий ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).

16 июнь якшанба — **СССР Олий Советига сайловлар куни**

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИ НОМИДАН

ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШЛАРИДА

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Москва область Кашира сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари округ сайлов олди кенгашида қатнашиш учун Кашира ГРЭСининг маданият уйига тўпланишди.

Кенгашни электр станция партия комитетининг секретари Б. Ф. Гринев очди. Совет халқи коммунизм қурилишида Коммунистик партия раҳбарлигида эришган буюк зафарлар, давлатимизнинг халқаро майдондаги муваффақиятлари, деб таъкидлади у, совет кишилари қалбини ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларининг якдиллик билан қўллаб-қувватланганлиги халқимиз Коммунистик партиясининг, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг доно ички ва ташқи сиёсатини чин кўнгилдан маъқуллаётганлигини ёрқин исбот этувчи янги далилдир. Б. Ф. Гринев яна қуйидагиларни айтди: Ступинск металлургия комбинати ва 4-Кашира ГРЭСининг коллективлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Юрий Владимирович Андроповни СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

Кашира шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. И. Симакин Кашира ГЭСи энергоблокининг машинисти А. М. Ухин, Серебряно-Пруд районидаги Ленин номли колхознинг раиси П. Н. Новиков ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар кенгаш қатнашчиларини Ю. В. Андропов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Юрий Владимирович Андропов**га мурожаат қилиб, Кашира сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришни сўрадилар.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Москва шаҳар Киев сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди.

Москвадаги телевизор заводининг токари Ю. В. Воронин ўз нутқида бундай деди: биринчи асбобсозлик, труба ва телевизор заводлари, рангли металлургия корхоналарини лойиҳалаш давлат институтининг коллективлари ўз йиғилишларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречкони Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Киев сайлов округидан Олий Совет депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Кенгашда рангли металлургия корхоналарини лойиҳалаш давлат институтининг инженери А. А. Смирнова, труба заводи партия комитетининг секретари Н. Г. Лебяжьев, 6-«Мосстрой» трестининг бригадири В. Т. Кругляк, Киев район комсомол комитетининг секретари С. А. Солдатов, Киев район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Юшин сўзга чиқдилар. Нотиқлар меҳнаткашлар коллективлари, партия ва комсомол ташкилотлари номидан кенгаш қатнашчиларини А. А. Гречко номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Киев сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши А. А. Гречкони Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Киев сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни маъқуллаш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Кенгаш қатнашчилари **Андрей Антонович Гречко**га мурожаат қилиб, СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Киев сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик беришни сўрадилар.

Москва прожектор заводининг маданият саройида Перов сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди.

— Бизнинг коллективимиз, — деди прожектор заводининг слесари Е. В. Куликов, — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Виктор Васильевич Гришинни Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Москва шаҳар Перов сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Биз, москваликлар КПСС Марказий Комитети пойтахтни ривожлантиришга қандай эътибор бераётганлигини яхши биламиз, — деб сўзини давом эттирди нотиқ. Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифаси ҳар бир москваликнинг жонажон иши бўлиб қолди. Москва меҳнаткашлари партиянинг ғамхўрлигига жавобан беш йиллик план топшириқларини муносиб бажаришга қатъий бел боғлаганлар.

422-мактаб ўқитувчиси А. С. Коновалова, Москва — Сортировочная локомотив депосининг машинисти А. В. Бриксин, Перов район комсомол комитетининг биринчи секретари В. А. Козлов, шина саноати илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири В. Ф. Крицков ва бошқа ўртоқлар В. В. Гришин номзодини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш қатнашчилари **Виктор Васильевич Гришинни** Перов сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни якдиллик билан қабул қилдилар. Округ сайлов олди кенгаши В. В. Гришинга мурожаат қилиб, Москва шаҳар **17-Перов** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришни сўрадилар.

В. И. Ленин номли Белоруссия Давлат университетининг мажлислар залида Минск шаҳар иккинчи сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди. Кенгашда Минск «Горизонт» ишлаб чиқариш — техника бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Е. Р. Мерзов сўзга чиқди. У айтдики, бирлашма колективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громикони якдиллик билан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Белоруссия политехника институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири профессор А. Е. Журов, пойафзал ишлаб чиқарувчи «Луч» бирлашмаси комсомол комитетининг секретари Н. Ф. Стриж, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ч. И. Кучинская, «Интеграл» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг ишчиси В. А. Чикун, Минск шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Лукашевич ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар «Горизонт» бирлашмаси коллективи вакилининг таклифини қизғин маъқулладилар ва кенгаш қатнашчиларини А. А. Громикони номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Кенгаш қатнашчилари ўз қарорида **Андрей Андреевич Громико** номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва унинг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи **Минск шаҳар иккинчи** сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Ставрополь ўлкасида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Петровский сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди. Кекса сайловчилардан бири, «Победа» колхозининг фахрий раиси А. М. Пашченко кенгашни очиб, қуйидагиларни таъкидлади: бутун Совет мамлакати каби ўлкамизнинг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан илҳомланиб беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили планини ва умуман бутун беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи сайловига тайёргарлик меҳнаткашларнинг ижодий кучларини янада ошириб юборди ва социалистик демократия тантанасидан далолат берди.

«Ипатовский» наслчилик совхозининг катта чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Руденко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович Кулаковни Петровский сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифини маъқуллашга даъват этди.

Округ кенгашида сўзга чиққан Петровский «Сельхозтехника» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари С. Ф. Арендаренко, Александровский зооветеринария техникумининг студенти Е. П. Гризунова, Туркман области «Кучерлинский» совхозининг трактор чиси Т. Бакиев ва бошқалар бу номзодни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сайлов олди кенгашининг қатнашчилари **Федор Давидович Кулаковнинг** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини якдилик билан маъқуллладилар ва унга мурожаат қилиб, **Петровский** сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Олмаота—Ленин сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди йиғилиши бўлди.

КПСС XXIII съезди номли қуюв-механика заводининг ишчиси С. Ф. Молостовга сўз берилади.

— Корхонамизнинг коллективи, — деди у, — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Козоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевни Олмаота — Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Олмаота уйсозлик комбинатининг электр пайвандчиси Ю. А. Давидов Д. А. Кунаев номзодини қўллаб-қувватлади. Биз, деди нотиқ, сайлов кампаниясида актив қатнашиб, жонажон Коммунистик партия ва Совет давлатининг социалистик Ватанни яшнатишга, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга бутун дунёда тинчликни таъминлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигимизни изҳор қиламиз.

Кенгашда Қозоғистон политехника институтининг студенти А. Б. Мўлдахметов, 1 Май номли фирманинг директори Л. Е. Давлетова, Олмаота зооветеринария институти кафедрасининг мудири А. П. Росляков, 18-мактаб директори М. Х. Ибраева ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар. Улар ўз коллективлари номидан Д. А. Кунаев номзодини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Округ сайлов олди кенгашининг қатнашчилари **Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаевни** якдиллик билан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар ва унга мурожаат қилиб, Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи **Олмаота — Ленин** сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик беришни сўрадилар.

Минск трактор заводининг маданият саройида Минск шаҳар биринчи сайлов округидаги корхоналар, илмий муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди.

Меҳнаткашлар депутатлари Минск шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. В. Ковалевга сўз берилади. У айтдики, автомобиль заводи ва камвол комбинати коллективлари сайлов олди йиғилишларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Кирилл Трофимович Мазуровни Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Минск шаҳар биринчи сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатдилар. Унинг номзоди шестерня заводи ва Белоруссия ССР Фанлар академияси коллективларининг йиғилишларида ҳам қўллаб-қувватланди.

Барча совет кишилари каби белоруссия меҳнаткашлари ҳам, деди нотиқ, Коммунистик партиянинг, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ички ҳамда ташқи сиёсатини чин кўнгилдан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар 1 Май байрамини, СССР Олий Совети сайловини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Кенгашда Минск камвол комбинатининг тўқувчиси А. М. Шрамук, Минск автозаводи партия комитетининг секретари С. П. Паршин, Белоруссия ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг директори В. Н. Чачин, Минскдаги шестерня заводи темирчилик цехи бригадасининг бошлиғи Н. В. Баран ва бошқалар К. Т. Мазуров номзодини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш қатнашчилари **Кирилл Трофимович Мазуровни** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар ва унга мурожаат қилиб, **Минск шаҳар биринчи** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Латвия ССР Госплани планлаштириш илмий-тадқиқот институтининг мажлислар залида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Киров сайлов округининг округ сайлов олди кенгаши бўлди.

Кенгашни Киров район партия комитетининг биринчи секретари И. А. Реймане очди. Сайлов олди кампанияси, деди у, сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда давом этмоқда. Барча совет кишилари каби районимизнинг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

И. А. Реймане айтдики, СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Киров сайлов округида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси Арвид Янович Пельше мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига номзод қилиб кўрсатилди.

Кенгашда П. Стучка номли Латвия Давлат университети кафедрасининг мудири, юридик фанлар доктори Я. Я. Страутманис, «Ригапромстрой» бирлашган қурилиш трести касаба союз комитетининг раиси Н. А. Рогов, Латвия ССР Давлат академик опера ва балет театрининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист Л. К. Андерсоне-Силаре, «Страуме» заводининг қуювчиси Н. С. Дрозд сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Арвид Янович Пельшени** Рига шаҳри Киров сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида ва унинг шу округдан овозга қўйилиш учун розилик беришини сўраш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Самарқанд шаҳар сайлов округида меҳнаткашлар ва жамоат коллективлари ташкилотлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссиясининг раиси М. Х. Ҳасанова шуни маълум қилдики, Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Андрей Антонович Гречко билан фабриканинг энг яхши тўқувчиси Валентина Максимовна Албаевани СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига якдилик билан номзод қилиб кўрсатди.

Кенгашда 26 Боку комиссари номидаги шойи тўқиш фабрикаси тўқувчилик ишлаб чиқаришининг мудири А. Г. Ткачева. Пастдарғом районидаги Ленинизм колхозининг раиси О. Номозов, «Кинап» заводининг инженери В. И. Алейников, «Хужум» пиллакашлик фабрикасининг ишчиси Т. Г. Попова, Самарқанд локомотив депосининг машинисти Ю. П. Балакшин, Пастдарғом районидаги Куйбишев номли колхоз агрономи Э. Ортиқов, чинни заводининг рассоми Ш. Насимовалар сўзга чиқишди. Уларнинг ҳаммаси ўз коллективларининг топширувига биноан мазкур номзодларни қизғин маъқулладилар.

Кенгаш 110-Самарқанд шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига **Андрей Антонович Гречко** билан **Валентина Максимовна Албаева** номзодларини кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашга якдиллик билан қарор қилди.

Фарғона область, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз клубида округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни округ сайлов комиссиясининг раиси М. Ф. Раҳмонова очди.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов ўз нутқида сайлов олди кампанияси меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтаётганлигини таъкидлади. Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг ташқи ва ички сиёсатини Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг собит қадамлик билан олиб бораётган фаолиятини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Бувайда районидаги Киров номли колхоз ходими Санобар Бўтабоева минбарга чиқади. Хўжалигимиз коллективи, деди у, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громико билан Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири Ҳамрохон Турдиматовани СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатди.

Бағдод районидаги «Победа» колхози партия комитетининг секретари Эргашбой Кенжаев, Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири Абдуллажон Нишонов, Ленинград районидаги Ленин номли колхоз механизатори Раҳматжон Кўчқоров, Бағдод районидаги «Москва» колхозининг бригадири Сурмахон Умарова ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ана шу номзодларни қўллаб - қувватлаётганликларини айтдилар.

Округ сайлов олди кенгаши **Андрей Андреевич Громико** билан **Ҳамрохон Турдиматовани** 630-Ленинград сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Балиқчи районидаги «Кизил юлдуз» колхозининг маданият саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Избоскан сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда «Партия XX съезди» колхози раисининг ўринбосари А. Набиев сўзга чиқиб, совет халқи СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайловни жонажон Коммунистик партия теварагига мустаҳкам жипслашган ҳолда қутиб олаётганлигини таъкидлади. Совет халқи мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўзининг энг яхши намояндаларини кўрсатмоқда. Нотиқ колхоз меҳнаткашлари Избоскан сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Норматжонмади Жўраевич Худойбердиев номзодини кўрсатганликларини маълум қилиб, кенгаш иштирокчиларини шу номзодни маъқуллашга чақирди.

Кенгашда сўзга чиққан Балиқчи район «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи Ш. Саломова, Пахтаобод районидаги «Москва» колхози партия ташкилотининг секретари У. Умурзоқов, Москва район қурилиш-монтаж бошқармасининг токари Н. Кузьмин, Комсомолобод районидаги мактаб директори Р. Горданова ва бошқа ўртоқлар бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш қуйидаги қарорни қабул қилди: 603-Избоскан сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Нормаҳонмади Жўраевич Худойбердиев**нинг номзоди кўрсатилганлиги маъқуллансин ва ундан шу округдан овозга қўйишга розилик бериш сўралсин.

Кенгаш ишончли вакилларни сайлади, округдаги барча сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

(ТАСС — ЎзТАГ).

ХАЛҚНИНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРИ

Бугун мамлакатда меҳнаткашларнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари давом этмоқда.

Сайлов олди йиғилишларида мамлакатимизнинг илғор кишилари, кўп миллатли совет халқлари ақил оиласининг вакиллари СССР Олий Советининг депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилди. Барнаул кимёвий тола комбинатининг калава ўровчиси **Светлана Алексеевна Сушанская**, В. И. Ленин номли Кузнецк металлургия комбинати лист прокат цехининг катта вальцовщиги, фахрий металлург **Михаил Семенович Телепов**, Тула машинасозлик заводининг илғор шлифовщиги, ВЛКСМ аъзоси **Александр Иванович Чекулаев**, «СССР 50 йиллиги» Грозний химия комбинатининг аппаратчиси **Лидия Кузьминична Черкунова**, Орёлдаги «Дормаш» заводи механика йиғув цехининг токари **Василий Дмитриевич Кузнецов**, Батумидаги ўй-рўзғор машинасозлиги заводи йиғувчи слесарлар бригадасининг бошлиғи **Мери Османовна Гогоберидзе** шулар жумласидандир.

Қирғизистон Тўқмоқ шаҳридаги қанд заводи ишчилари инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи қанд заводи диффузион батареяси бригадасининг бошлиғи **Вера Андреевна Алексеевани** СССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Мордва АССРдаги «Свободный труд» колхозининг аъзолари сут соғувчи, комсомол аъзоси **Раиса Семеновна Качуминани** депутатликка ўз номзодлари қилиб кўрсатдилар. Пенза соат заводининг коллективи соат йиғувчи **Октябрина Васильевна Миронова**ни давлат ҳокимиятининг олий органига номзод қилиб кўрсатди.

Пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Тожихон Эрматова** Қирғизистондаги «Дани талап» колхози меҳнаткашлари коллективининг сайлов олди йиғилишида СССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Урал автомобиль заводининг фрезерчиси **Нина Александровна Новоселова** уралликлар номидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси **Геннадий Фёдорович Сизов**, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари **Леонид Иванович Греков**, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Владимир Федорович Промислов**, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари **Павел Артемович Леонов**, В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори **Дмитрий Прохорович Галкин**, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Артур Павлович Вадер**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Нормаҳонмади Жўраевич Худойбердиев**, енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Волжск бирлашмасининг бош директори **Виктор Николаевич Поляков**, Қизил Байроқ орденли Тинч океан флотининг қўмондони, флот адмирали **Николай Иванович Смирнов**, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари **Федор Степанович Горячев**, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Август Эдуардович Восс**, Рязань станоксозлик заводининг йиғувчи слесари **Анатолий Пантелеевич Бутримов**, қўш Қизил Байроқ орденли Балтика флотининг қўмондони адмирал **Владимир Васильевич Михайлин**, С. М. Киров номли Ленинград академик опера ва балет театрининг балет солисткаси, СССР халқ артисти **Ирина Александровна Колпакова**, Жиззах областидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори **Инобат Нурохуновна Охунова** ва бошқалар ҳам СССР Олий Советининг депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

Ленинград меҳнаткашлари Ўзбекистон пойтахтига совға қилиб қуриб берган Тошкентдаги 115-мактаб муаллимлари, техник ходимлари ва хизматчилари СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатдилар.

Муаллима Т. Абдумаликова сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Юрий Владимирович Андропов номзодини СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига кўрсатишни таклиф қилди.

Ўқитувчи Г. Тожихўжаев бу таклифни қувватлаб, ўзининг касбдош ўртоқлари номидан Тошкент — Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига халқ маорифининг ветерани, рус тили ва адабиёти муаллимаси Мавжуда Саидова Самадова номзодини кўрсатди.

Муаллима Л. А. Сенина, мактаб директори Х. У. Турсунова, Октябрь район партия комитетининг секретари С. Усмонова кўрсатилган номзодларни қизғин маъқуладилар.

Йиғилиш 622-Тошкент—Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Юрий Владимирович Андропов ва Мавжуда Саидовна Самадова** номзодларини кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг марказий кўрасида Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Колхоз раиси М. Машарипов биринчи бўлиб сўз олиб, бундай деди:

— Мен КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович Кулаковни Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни киритаман.

Механизатор К. Бекчонов бу таклифни қувватлаб, ўз навбатида биринчи классли тракторчи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Сувонберди Абдуллаевич Жуманиёзовни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Фёдор Давидович Кулаков билан **Сувонберди Абдуллаевич Жуманиёзов**ни 565-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинади.

Иштихон районидаги «8 Март» колхозида пахтакорлар, чорвачилик фермалари ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг Булунғур сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиши бўлди.

Механизатор А. Муҳаммадиева сўз берилади.

— Колхозимиз меҳнатчилари, — дейди у, — сайловга тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда Ўзбекистон СССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турибишлаб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Мен КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Кирилл Трофимович Мазуровни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

Колхоз раиси З. Зиёдов тилга олинган номзодни қувватлаб, ўз ҳамқишлоғи, «8 Март» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, илғор бригадир, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси Олим Ботировни мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Колхоз аъзоси Х. Баратов, бригадир И. Солиев, болалар яслисининг мудираси Х. Яҳёева ва бошқалар ўз сўзларида бу таклифларни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Кирилл Трофимович Мазуров** билан **Олим Ботировни** СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 108-Бўлунғур сайлов округидан депутатликка номзодлар қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи коллективининг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишига кўп киши тўпланди.

Слесарь М. Мирзамуддинов минбарга чиқади. У барча совет кишилари сингари азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи завод меҳнатчилари ҳам мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўтказиладиган сайловга актив тайёргарлик кўраётганликларини таъкидлаб ўтди.

Т. Мирзамуддинов КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни тўпланганларнинг қарсаклари остида Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Аппаратчи М. К. Осипова кўрсатилган номзодни маъқуллаб, корхонанинг илғор ишчиси, катта аппаратчи Лидия Петровна Муравлевани ҳам СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди. У Л. П. Муравлевани ишлаб чиқариш новатори, актив жамоатчи сифатида таърифлади.

Аппаратчи Ж. А. Коломец, аммиак ишлаб чиқаришининг бошлиғи С. А. Ашурбоев, завод директори С. Г. Ёқубов киритилган таклифларни маъқулладилар.

Йиғилиш **Шароф Рашидович Рашидов** билан **Лидия Петровна Муравлевани** 125-Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ қурилаётган Бухоро ип заводи қўпроқ киши сайлов олди йиғилишида қатнашмоқ учун бугун йиғирув цехига келишди.

Комбинат бош инженери ўринбосари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси И. К. Минюхин минбарга чиқади. У Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли Ватанимиз қудрати йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида фахр билан гапирди. Совет кишилари, ўзларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини сезгирлик билан қўриқлаб турган Совет Қуролли Кучларини севадилар ва унга ўз меҳр-муҳаббатларини билдирадилар.

Нотиқ СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Павел Федорович Батицкийни тўқимачилар номидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Арқоқчи Ф. Ярочкина, тўқув цехи мастерининг ёрдамчиси Р. Омонов, комбинатнинг бош энергетиги И. Г. Горявин, йиғирувчи М. Эшонова ва бошқа ходимлар ўз сўзларида кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Павел Федорович Батицкийни** 605-Бухоро шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида ва унинг шу округдан овозга қўйилиш учун розилик беришини сўраш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш **Каюм Муртазоевни** 606-Бухоро сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Жомбой районидаги Улуғбек номли совхознинг юзлаб меҳнатчилари Булунғур сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига ўз номзодини кўрсатмоқ учун сайлов олди йиғилишига келишди.

Қишлоқ меҳнатчиларининг ҳаёти кун сайин яхшиланиб бормоқда, — дейди ўз нутқида совхоз бригадири Б. Санақулов. — Буни районимиз мисолида ҳам яхши кўришимиз мумкин. Сўнгги йилларда бу ерда обод посёлкалар қад кўтарди, кўпгина мактаблар, кинотеатрлар, клублар, кутубхоналар қурилди. Буларнинг ҳаммасида деҳқонларнинг фаровонлиги тўғрисидаги, уларнинг ўсиб бораётган маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш ҳақида жонажон Коммунистик партиянинг чуқур ғамхўрлиги кўриниб турибди.

Б. Санақулов таниқли совет ёзувчиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Вадим Михайлович Кожевниковни совхоз коллективи номидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилади.

Совхоз бўлимининг бошқарувчиси Н. Тожиев, ишчи М. Мамадалиева, сут соғувчи Ғ. Қўчқорова ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Вадим Михайлович Кожевниковни** 613-Булунғур сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

636-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун Тўрткўл пахта тозалаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари шу корхона клубига тўпландилар.

Завод директори А. Худойберганов сўз олади.

— КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати, — дейди у, — завод коллективининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Барча ишчилар беш йиллик топширғини ошириб бажариш учун, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақага актив қўшилдилар.

Нотиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг раиси Қудратилла Аҳмедович Аҳмедовни завод коллективи номидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Слесарь А. Наримбетов, лаборант А. Худойберганова, смена мастери М. Абдураимов ва бошқа сайловчилар бу таклифни маъқуллладилар.

Йиғилиш **Қудратилла Аҳмедович Аҳмедовни** 636-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. (ТАСС — ЎзТАГ).

УЛУҒ ЛЕНИН НОМИ БИЛАН

(Боши 1-бетда).

ВЛКСМ Марказий Комитети отряд учун «Меҳнат ветеранлари, беш йилликлар қаҳрамонлари — энг яхши комсомолёшлар коллективига» деган Қизил байроқ таъсис этди. Биз ана шу фахрли байроқни сизларга топшириб, шуни айтамизки, Лена соҳилларидан шонли Комсомольск—Амур шаҳригача бу байроқни шараф билан кўтариб боринглар. Ота-боболарингизнинг меҳнат анъаналарини кўпайтиринглар. Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг муносиб гражданлари бўлинглар ва зарбдор қурилишга бориш комсомол йўлланмасини сизларга ВЛКСМ XVII съезди таъсис этганлигини ҳамиша ёдда тутинглар.

Мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Г. В. Масленников Қизил байроқни зарбдор қурилиш отрядининг командири Виктор Лакомовга топширди.

«Йўлга чиқдик, дўстлар!» қўшиғи янграйди, ВЛКСМ XVII съездини қишлоқ меҳнатчилари — дала ва фермаларнинг машҳур миришкорлари, колхозсовхоз ҳаракатининг ветеранлари, комсомол кўнгина съездларининг делегатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари табриклайдилар.

Дастлабки чўлқувардан бири. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. М. Картаузов минбарга чиқади. У — қийин, аммо қаҳрамонона тақдир соҳиби. У уруш фронтларида оғир яраланган, оёқларидан маҳрум бўлган. Аммо комсомол дўстлар ягона сафдаги ўз ўрнини топиб олишда Леонидга ёрдам бердилар. Комсомолларнинг «Қўриқ ерларни забт этамиз!» деган даъвати янграган пайтда менинг ўрним ҳам ўша ерда, деган қарорга келдим, деб ҳикоя қилади у.

Яқинда мамлакатимиз қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилганлигининг 20 йиллигини кенг кўламда нишонлади. Ҳар биримиздан нақадар мардлик, жасоратга тайёрлик, Коммунистик партияга чексиз садоқат талаб қилинганлиги жуда яхши эсимда, деди биринчи чўлқувар Кремлдаги тантанали мажлис минбарида. Партиянинг гамхўрлиги ва эътиборини, Сиз, аввал Леонид Ильичнинг меҳрибонлигингизни биз доимо сезиб турдик. Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштиришга бевосита Сиз ўзингиз раҳбарлик қилганлигингиз билан фахрланамиз. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан то охирги кунигача Сиз билан бирга бўлган фронтчи коммунистлар ва урушда чиниққан комсомоллар авлоди ғалла учун бошланган жангда фидокорона қатнашганликлари асло тасодиф эмас. Сиз бормаган, маслаҳатингиз билан кўмаклашмаган, сўз ва иш билан қўллаб-қувватламаган қўриқ совхоз ёки колхозни топиш қийин. Биз ҳаммамиз Сизни биринчи чўлқуварларнинг бош қўмондони деб, ўзимизни эса сизнинг полкдошларингиз деб атаймиз. Л. М. Картаузов съезд делегатларига мурожаат қилиб бундай дейди:

— Партиямиз қишлоқ хўжалигини замонавий индустриал негизга ўтказиш йўлини бошлади. Сизлар ана шу муҳим вазифани бажаришда қатнашиб, дала ва фермаларнинг қиёфасини ўзгартиришингиз, тўқайлар, ботқоқлар ва чўлларни унумдор ерларга айлантиришингиз, қишлоқ маданияти ва турмуши даражасини оширишингиз керак. Биз, совет қишлоғининг ветеранлари ўз ўринбосарларимизга умид ва ишонч билан қараймиз, жонажон диёр келажагини уларнинг қўлига топширамиз. Еримизни севинглар ва ардоқланглар, уни янада саховатли ва кўркам қилинглар.

Л. М. Картаузов қишлоқ хўжалигининг ёш меҳнатчиларига ғаллакорлик ишининг рамзи бўлган бошоқ ва плуг пичоғини топширди.

Комсомол ёшлар звеносининг бошлиғи Мария Чорба бу совғани қабул қилиб, қуйидагиларни айтди: мен сизнинг қаҳрамонона ҳаётингиз, қўшиқларда тараннум этса арзийдиган ҳаётингиз тўғрисида ўйлаяпман, барча меҳнат ветеранлари тўғрисида ўйлаяпман, биз уларнинг таржимаи ҳолида мамлакат, партия, комсомолнинг жонли тарихини, меҳнат қаҳрамонлиги, матонат, Ватанга, жонажон диёрга садоқатнинг ёрқин намунасини кўриб турибмиз.

Қишлоқнинг қиёфаси бизнинг кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда, бизга энг янги техника етказиб берилмоқда, деҳқонларнинг меҳнати бутунлай бошқача бўлиб бормоқда. Ҳозир Коммунистик партия илғари бир бошоқ ўсган жойда икки бошоқ етиштириш, қишлоқ маданияти ва турмушини ривожлантириш вазифасини ўртага қўймоқда. Биз, совет деҳқонларининг ёш авлоди зиммасига ҳақли равишда катта умидлар юкламоқда, чунки биз муқаддас еримизнинг келажаги учун шахсан жавобгармиз.

Мария Чорба дала ва фермаларни, чорвачилик комплексларини, паррандачилик фабрикаларини жасорат масканлари деб атади. Бу масканларда ўз билимимиз, ғайратимизни, навқирон қўлларимизни ишга солишимиз мумкин, деб таъкидлади у.

Биз ерни севиш ва ардоқлашга тантанали ваъда берамиз. Бутун кучимиз, билимимиз ва ғайратимизни жонажон Коммунистик партия ишига, улуғ Ленин ишига хизмат қилдирамиз.

Комсомол — фан-техника тараққиётининг оташи жарчисидир. Ёшлар ижодий меҳнатда, илмий изланишларда, ноаниқ сиру-асрорларни билиб олишда жавлон урмоқдалар. Орзу билан яшаш ёшларга хос фазилатдир. «Орзу қил, орзу...» деган қўшиқ янграйди.

Залга фан-техника зиёлиларининг вакиллари — Совет фанининг намояндалари, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреатлари, академиклар кириб келишади. Илм-фан келажаги — студентлар, ўқувчилар улар билан ёнма-ён одим ташлайдилар.

ВЛКСМ XVII съездини СССР Фанлар академияси Лебедев номли физика институтининг директори, Ленин ва Нобель мукофотларининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Н. Г. Басов табриклайди. Илм-фан ҳамиша ёшлар ишлайдиган соҳа бўлиб келган, деди у. Ёшлар аввалги авлодлар эришган ҳамма ютуқларни ўзларига сингдириб олиб, табиатни билишнинг одатий йўлларидан илгарилаб, муваффақиятга эришишга қодирдирлар.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида, илмий вазифалар техникавий ечимлар билан, янги материаллар ва технологияни яратиш билан айни бир вақтда ҳал этилаётган бир пайтда, деди академик, жуда кўп кишилар — олимлар, мутахассислар, ишчилар, колхозчилар ижодий жараёнга жалб этилмоқда. Ёшлар ҳаётдаги ўз ўринларини тез топиб олишлари, ўз талантларини намоён этишлари, ўз касб-корларини мукаммал эгаллаб олишлари, билим ва ижодга ташналикни бутун умр бўйи олиб ўтишлари айниқса муҳимлигининг боиси ҳам ана шудир.

Олим ижод ва меҳнатда ёшларга муваффақиятлар тилади. У мажлис аҳлининг қарсаклари остида лазерни ўзига хос эстафета сифатида ёш авлод вакилига топширди. Яқин вақт ичида фан шу лазер ёрдамида техника соҳасидаги бир қанча катта-катта проблемаларни ҳал этишни умид қилмоқда.

Биз, ёшлар учун улуғ Ленин васиятларини амалга ошириш йўлидаги курашчилар билан ўзимизни бир сафда деб ҳисоблашдан ҳам каттароқ бахт йўқ, деди Ленсовет номидаги технология институтининг студенти, Ленин стипендиати Николай Лавров лазер камерасини қабул қилиб олар экан. Ленининг ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш деган васияти студентларнинг ҳамма авлодлари учун жанговар шиор бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Леонов совет космонавтлари номидан съезд делегатларига мурожаат қилди. Унинг сўзи пленкага ёзиб олиниб, АҚШдан, космос кашшофлари америкалик касбдошлари билан биргаликда қилинадиган сафарга тайёргарлик кўраётган жойдан ёзиб юборилган эди. Совет-лар мамлакати ёшларининг вакиллари унинг сўзини завқшавқ билан тингладилар.

КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб тинимсиз олиб бораётган иши тўғрисида бундай парвоза тайёргарлик кўриш мумкин бўлиб қолди, деди А. А. Леонов.

Совет космонавти зангори ер планетасининг нариги чеккасида туриб, Ленин комсомоли ёшларга сингдираётган юксак фазилатлар тўғрисида гапирди. Ёш бўлиш, комсомол бўлиш — ҳамиша партия, Ватаннинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёр бўлиб туриш демакдир. Совет космонавтлари эса янги космик сафарларга, коммунизм тантанаси йўлида янги жасоратлар кўрсатишга тайёрмиз, деб КПССни, ВЛКСМ XVII съездини ишонтирадилар.

ВЛКСМ XVII съезднинг делегатлари ёшларнинг маънавий жиҳатдан ўсиши тўғрисида, уларни жаҳон ва ўзимизнинг кўп миллатли адабиёт ва санъат хазинасидан баҳраманд қилиш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги учун жонажон Коммунистик партиянга фарзандлик ташаккури туйғусини изҳор этдилар. Мана энди ижодкор зиёлилар турли авлодларига мансуб кишилар — таниқли ёзувчилар, артистлар, рассомлар, атоқли маданият арбоблари «Комсомол гапиради» қўшиғи куйларига ҳамоҳанг бўлиб съездни табриклайдилар.

СССР халқ артисти, кинорежиссер С. А. Герасимов бундай деди:

— Бугун сизларни бу ерда комсомолнинг бутун тарихи, аниқроғи улуғ Совет Иттифоқимизнинг бутун тарихи муборакбод этади... Ҳар бир мамлакатда, ҳар бир жамиятда кекса авлод ўрнини ёш авлод олиб туради. Лекин ҳеч ерда ёшлик деган сўз бахтиёрлик деган маънони биздагидек тўла-тўкис англатмайди, зеро эркин, онгли меҳнат пировард натижада инсоний бахтиёрликнинг ўзидир. В. И. Ленин ёшларни ўқиш, ўқиш ва ўқишга даъват этганида айни шу бойлик ва бахтиёрликни назарда тутган эди. Унинг бу даъвати ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди ва Ленин комсомолининг ҳамма энг яхши ишларида доимо гўзал тарзда ўз аксини топаверади.

С. А. Герасимов съездга Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» китобини — романнинг ёзувчи дастхати битилган биринчи нашрини топширди.

Павка Корчагин ролини экранда ижро этган артист Владимир Конькин табаррук ёдгорликни қабул қилиб олиб, қаҳрамон ёзувчининг ёшлик шиори бўлиб қолган: «Фақат олға, фақат жанг линиясига борайлик» деган сўзларини эслатди.

Бизнинг устозларимиз, ўзимиздан катта ўртоқлар ижод қилишни — ҳамиша ўзларининг партиявий ишлари деб ҳисоблаб келганлар, деди ёш артист. Биз уларнинг ишларини муносиб давом эттирувчилар бўлишга ҳаракат қиламиз. Ижодкор ёшлар совет санъати байроғини ҳамиша баланд кўтариб борадилар.

Машҳур совет спортчилари, олимпиада ўйинларининг чемпионлари, жаҳон ва Европа чемпионлари тантанали мажлис қатнашчиларини табриклайдилар.

Минбарга СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, мамлакат терма футбол командасининг машҳур дарвозабони Л. И. Яшин чиқади.

Биз спорт ветеранлари, деди у, бу ерда, съездда завқшавқ билан ўтирибмиз. Чунки, ҳар биримиз Ленин комсомоли сафларида ғоявий чиниқиш ва гражданлик етуклигининг ажойиб сабоғини олганмиз. Ҳозирги авлод совет спортининг анъаналарини муқаддас сақлаб, кўпайтираётганлиги бизни, айниқса қувонтиради.

Л. И. Яшин ёшларга спорт шуҳрати рамзи бўлган энг катта халқаро мусобақаларда совет спортчилари қўлга киритган дастлабки чемпионлик медаллари лентасини топширди.

Ёш совет спортчилари номидан СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Владислав Третьяк оталик наказ учун, ишонч учун ветеранларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. У ветеранларнинг наказини қабул қилиб олиб, совет спортчилари бундан буён ҳам мардлик, сабот ва қатъият билан янги-янги галаларга эриша берадилар, деб ишонтирди.

Интервенциячиларга ва оқ гвардиячиларга қарши қилич ялангочлаб жанг қилганлар, Испаниянинг жазирама офтоби остида, Халхин-Гол ва Ҳасан кўли бўйларида, Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида курашганлар номидан съездни уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Н. Кожедуб мубораксод қилди.

Совет ёшларининг, Ленин комсомолининг энг фахрли вазифаларидан бири — Ватанни қўриқлашдир. Биз партия билан халқнинг кучига чексиз ишонган ҳолда Улуғ Ватан уруши жангларида енгиб чиқдик. Ватан комсомол тарбиясини кўрган жангчиларга тортиқ қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг етти мингдан ортиқ олтин юлдузини биз Ленин комсомолининг мукофотлари деб ҳисоблаймиз. Бизнинг ҳар бир жасоратимиз сенинг қизил байроғингга тўқилган ипдир.

Уруш ветерани комсомолларни «ғалаба байроғига қараб бир текис тизилишга» чақирди.

Кремлнинг Съездлар саройи гумбазлари остида духовой оркестр куйлари янгради. Граждан уруши ва Ватан урушининг донгдор ветеранлари тантанали марш қилиб кириб келдилар.

Фахрий қоровул жангчилари ҳамроҳлигида залга жанговар шуҳрат байроқлари — Қизил Байроқ орденли, Октябрь революцияси орденли «Аврора» крейсерининг гвардия байроғи, биринчи отлиқ армия байроғи, Рейхстаг томига ўрнатилган афсонавий ғалаба байроғи олиб кирилади.

ВЛКСМ XVII съезди номидан В. И. Ленин мавзолейига ва номаълум солдат қабрига шуҳрат гулдасталари қўйиш таклиф этилади. «Ленин ҳамиша тирик» қўшиғининг куйи таралади. Залда ҳозир бўлган кишилар ўринларидан турадилар. Барча иттифоқдош республикаларнинг вакилларидан иборат съезд делегатларининг икки группаси шуҳрат гулдасталарини кўтариб Қизил майдонга йўл олади. Марш садолари остида залга жангчилар — СССР Қуролли Кучлари барча турларининг вакиллари киришади. Сўз подполковник В. И. Борисовга берилади.

— Ҳар биримизнинг фикриз-викримиз ва ишларимиз улуғ Коммунистлар партиясига, абадий барҳаёт Ленинга қаратилган, — дейди у, — Коммунистик Ёшлар Союзи ярим асрдирки, Ленин номини муносиб равишда оқлаб келмоқда. Биз ёш ленинчилар союзига, совет жангчиси деган юксак номга сазовор эканлигимиз билан фахрланамиз.

Биз катта ёшдаги ўртоқларимиз ва устозларимиз — коммунистлар олдида, Совет Армияси ва Флотининг ветеранлари олдида, Ғалаба байроқлари олдида тантанали ваъда бериб айтамизки, ўз ишларимиз билан Қуролли Кучларимизнинг шонли жанговар анъаналарини муносиб равишда давом эттира берамиз.

Коммунистик партияни, Ленин комсомолини ишонтириб айтамизки, совет жангчилари бундан буён ҳам социализм посбонлигида сергак турадилар, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини адо этишга доимо тайёрдирлар.

Делегатлар баланд руҳ билан, гулдурос, давомли қарсаклар остида ВЛКСМ XVII съезди нинг КПСС Марказий Комитетига Табрикномасини бир овоздан қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин комсомоли, совет ёшларининг ишлари ва зафарлари тўғрисидаги рапортни қабул қилиб олаётганида, залда яна қарсаклар бошланади. Пионерлар партия ва ҳукумат раҳбарларига баҳор қизил чинни гуллари дасталарини тақдим этадилар.

Комсомолнинг олий органи—Бутуниттифоқ съезди ўз ишини туталлайди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников Ленин комсомоли ҳамиша партиянинг изидан боради, унинг содиқ ва жанговар ёрдамчиси, ишончли резерви бўлади, комсомоллар, совет ёшлари ленинчасига, коммунистчасига ўқийдилар, ишлайдилар ва курашадилар, деб съезд номидан, 34 миллионли Ленин комсомоли номидан улуғ ва доно Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирди.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVII съезди ёпиқ деб эълон қилинади. Делегатлар ва меҳмонлар «Интернационал» қўшиғини куйлайдилар.

Яна қарсаклар бошланади. Совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шарафига табрик хитоблари янграйди. Қудратли «ура!» садолари эшитилади. Делегатлар: «Ленин!» «Партия!», «Комсомол!» деб қайта-қайта такрорлайдилар.

• • •

Тантанали мажлис қатнашчилари учун Кремлнинг Съездлар саройида санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

(ТАСС).

ЁШЛАРНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

ВЛКСМ XVII СЪЕЗДИДА

Комсомол Ленин партиясига, суюкли Ватанига рапорт бермоқда. Комсомолнинг вакиллари — ВЛКСМ XVII съезднинг делегатлари ёшларнинг беш йиллик фронтларида эришган ғалабалари тўғрисида, режалари ва ўйлари ҳақида қизиқиб, эҳтирос ва илҳом билан гапирмоқдалар. Комсомол ҳисоботларида, ёшларнинг интилишларида ҳаётимизнинг ҳамма қирралари, ҳамма томонлари акс эттирилган.

КПСС Марказий Комитетининг комсомол съездига табрикномасида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқида совет ёшларига берилган юксак баҳодан илҳомланган йигит-қизлар КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажаришга қўшадиган ўз ҳиссаларини кўпайтиришга, янги вазифаларни зарбдорларча ҳал этишга маҳкам бел боғлаганлар. 26 апрелда мамлакатнинг бош комсомол йиғилиши давом эттирилган Съездлар саройининг минбаридан гапирганлар мана шуларни якдиллик билан айтдилар. Делегатлар ВЛКСМ Марказий Комитети ва комсомол Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини замонниг юксак талабларини ҳисобга олган ҳолда ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

Йиғилиш аҳли **А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев** ўртоқларни, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси **Г. Ф. Сизов**ни самимий кутиб олди.

Эрталабки мажлисда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **В. А. Житенев** биринчи бўлиб сўзлади. У секциялар ишларининг натижалари тўғрисида ахборот берди. Съездимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати, деди нотиқ, КПСС XXIV съезднинг қарорлари ҳамда Марказий Комитет табрикномасида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида қўйилган вазифалар асосида Ленин комсомоли фаолиятини такомиллаштириш йўлларини сабот-матонат билан излашларга тўлиб тошди.

Комсомол ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш воситаларининг катта арсеналига эга. Кеча ўн икки секция мажлисларида мана шу воситалардан қандай килиб яхшироқ ва самаралироқ фойдаланиш йўллари тўғрисида гапирилди. Мажлисларда барча республикалар комсомол ташкилотларидан вакил бўлиб келган 389 делегат сўзга чиқди. Делегатлар комсомол иш практикасини таҳлил этдилар, кўпгина қизиқарли, конструктив таклифлар киритдилар. Мажлисларда ҳозир бўлган министрликлар ва идоралар раҳбарларининг айтишича, кўпгина таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул килинади.

Секцияларда сўзга чиққан чет эл ёшлар ташкилотларининг вакиллари, деди В. А. Житенев, ВЛКСМнинг ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро фаолиятини юксак баҳоладилар.

ВЛКСМ Тюмень область комитетининг биринчи секретари **В. П. Горчаков** минбарга чиқади. Шу кунларда тюменликлар область комсомол ташкилоти Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигидан алоҳида ҳаяжондадирлар, дейди у.

Комсомолнинг бугунги ишлари — оталар бошлаб берган ишларнинг давомидир. Кучимиз авлодларнинг узвий боғланишида, зарбдор меҳнат, кураш, муттасил изланиш анъаналарини авж олдиришдадир, деб таъкидлади нотиқ. Областда дастлабки иккита Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишлари бошланганлигига шу ойда ўн йил тўлади. Бугунги кунда зарбдор қурилишларнинг ветеранлари ўз ташаббусларининг ажойиб ёдгорликлари — нефть қувурлари ва газ қувурларини, темир йўллар ва электр линияларини, шаҳарлар ва посёлкаларни кўриб турибдилар. Бу ерда мисли кўрилмаган халқ хўжалик комплекси кенг кулоч ёйди.

«Оржоникидзеуголь» комбинати «Булавинская» шахтасининг кўмир қазувчиси **А. И. Осика** ўзининг шахсий беш йиллик планини бултур 12 июнда бажариб қўйди. Ҳозир унинг иш календарида 1977 йилнинг июнини кўрасиз. Донбасслик ёш шахтёр съезд минбаридан гапириб, бутун беш йилликни икки беш йиллик планни бажариш билан тугатиш мажбуриятини оламан, деди.

Нотиқ шахталарда тезроқ янги техникани жорий этиш зарурлиги тўғрисида ҳам гапирди. Унинг фикрича, қатламли тик энгашган конлар учун серунум комплекс ишлаб чиқиш вақти етган.

— Ёш кўмир қазувчиларнинг қўлига янги техника беринг, улар кўмир қазиб чиқаришда янги рекордлар қўядилар! — деди делегат.

ВЛКСМ Свердловск область комитетининг биринчи секретари **В. В. Андрианов** ёш уралликларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга кўшган ҳиссалари тўғрисида, ёшларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳислатларини тарбиялаш тўғрисида гапирди.

Ёш ишчиларнинг қаҳрамонона меҳнати Верх-Исет заводида совук ҳолда прокат қилинган трансформатор листининг дастлабки тонналарида, Нижне-Тагил металлургия комбинати барпо этилган кундан бери ишлаб чиқарилган 100 миллионинчи тонна пўлатда акс этди. Ҳажми беш минг куб метрга борадиган ноёб домнада Новолипецк металлургия заводи учун пўлатни узлуксиз равишда қуювчи установкада уларнинг меҳнати бор. Бугун делегациямиз яна бир хушхабар олди, деди нотиқ; ВЛКСМнинг XVII съезди шарафига меҳнат вахтасига ўтган Урал вагон заводи комсомоллари тежалган материаллардан пландан ташқари 17 та вагон тайёрладилар.

Пенза область Нижне Помов районидаги Киров номли колхоз раиси **А. Я. Гришин** комсомолга катта-катта ишларни ишониб топшириш ёш мутахассисларни раҳбар лавозимларга дадил кўтариш партиямиз, халқимизнинг анъанасидир, деб таъкидлади.

Нотиқ кадрларни тарбиялаш масалаларига тўхталди. Хўжаликни юритишнинг илмий методларини жорий этиш учун саводли ва юқори малакали мутахассислар керак. Икки йил ичидагина комсомол йўлланмалари билан институтларга ва техникумларга 8 колхоз стипендиатлари юборилди, 25 йигит-қиз область ҳунар-техника билим юртларига ўқишга кирди. Хўжалик ёш раҳбарининг фикрига кўра, ер тўғрисида қайғуриш, унинг унумдорлигини ошириш қишлоқ ёшларининг асосий вазифаларидан бири.

— Бундан тўрт йил аввал, В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги арафасида Днестр бўйи хавзасида майдони 6 минг гектарга борадиган колхозлараро улкан Пальметт боғи барпо этилганди. Боғ вояга етгач, йилига 200 минг тонна мева беради. Мисли кўрилмаган бу катта боғ буюк йўлбошчининг юз йиллик юбилейига молдаван ҳалқи яратган ёдгорлик бўлиб қолади, — деди ўз нутқида Молдавия комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. К. Вишку.** — Молдавия меҳнаткашлари боққа Ильич номини бердилар. Шу Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши — боғ Молдавия ССРда совет ҳокимияти йилларида юз берган катта социал-иктисодий ўзгаришларнинг ҳам рамзидир. Молдавия ССР шу йил кузда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 50 йиллигини нишонлайди.

ВЛКСМ Горький область комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Февралев,** Сормово пролетариатининг революцион ва меҳнат анъаналари, Волга бўйида улкан автомобиль заводи қурувчиларининг коммуна бригадалари анъаналари, темирчи Александр Бусигининнинг меҳнат жасорати,—деди,—зарбдорлар ҳаракатини вужудга келтирган замин бўлди. Горькийликларнинг янги авлоди меҳнат қаҳрамонлиги эстафетасини давом эттирди.

Л. Н. Февралев айтдики, ҳозирги съезд арафасида Сормово комсомоллари кема қуриб, унга ВЛКСМ XVII съезди номини бердилар, бундан икки кун аввал автозаводнинг ёш ишчилари мукобил план ҳисобига пландан ташқари 100 та юк автомобили ишлаб чиқарганликларини хабар қилди. Горькийликлар бу машиналарини Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларига юборилишини илтимос қилдилар.

Совет студентларининг вакили, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети ВЛКСМ комитетининг секретари **В. Н. Калмик** сўзга чиқади. Нотиқ комсомолга Ленин номи берилганининг 50 йиллигини алоҳида фахрланиш ҳис-туйғулари билан таъкидлайди. У ВЛКСМнинг бутун тарихи мобайнида совет студентлари ишчилар ва деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, улар билан қардошларча бузилмас бирликда социализм ва коммунизм учун курашганлигини уктиради.

Бугунги кунда Москва Давлат университетидаги ҳар беш студентнинг бири аълочи, икки студентнинг бири илмий тадқиқотларда актив қатнашаётган кишидир.

Нотиқ Москва олий мактабларининг комсомол ташкилотлари бу йил Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши—РСФСРнинг қора тупроқ бўлмаган зонасига 15 минга энг яхши комсомолни, студентлар қурилиш отрядлари жангчиларини юборамиз, деб ВЛКСМ XVII съезди олдида зиммаларига мажбурият оладилар, деди.

Съездда, шунингдек Красноярск ўлка комсомол комитетининг биринчи секретари **В. А. Кузьмин,** СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари **Г. М. Марков,** Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. А. Гусейнов,** ВЛКСМ Москва область комитетининг биринчи секретари **В. В. Сухорадо,** Арманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. А. Арзуманян,** Литва ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. С. Балтрунас,** СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Ю. А. Овчинников,** Ленинграддаги «Электросила» электр машинасозлиги бирлашмасининг йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи **С. С. Витченко** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мамлакатимиз ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари делегатлари табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Съезд 27 апрелда ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

27 апрелда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (УзТАГ).

ТАБИАТ ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика советининг пленуми 26 апрель куни бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари жамият раҳбарларининг ваколат муддати бу йил тугаши муносабати билан унинг ҳамма бўғинларида навбатдаги ҳисобот сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш муддатлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Пленум жамиятнинг бошланғич ташкилотларидаги ҳисобот йиғилишларини май ойида, район ва шаҳар конференцияларини — июнда, Тошкент шаҳар, область ва Қорақалпоғистон АССР конференцияларини июль ойида ўтказишни мўлжаллади. Бу йил табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг тўртинчи республика съездини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленумда жамият республика советининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин нутқ сўзлади. (УзТАГ).

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

«Главташкентстрой» нинг «Строймеханизация» трести Украина пойтахти Киев механизаторлари билан мусобақадош. Икки қардош республика вакилларининг бу мусобақаси белгиловчи йил топшириқларини барвақт бажариш шиори остида ўтказилмоқда. Биринчи кварталда мусобақадошлар қувончли натижаларни қўлга киритдилар.

«Строймеханизация» коллективи 1974 йил дастлабки уч ойи мобайнида пландан ташқари 260 минг сўмликдан зиёд турли ишларни бажаришга эришди. 4-механизация бошқармаси планни 112,8 процент, 1-механизация бошқармаси аъзолари эса 109,6 процентга етказиб барчадан ўзиб кетдилар.

Тошкентлик бунёдкорлар В. И. Ленин номли майдонни реконструкция қилиш, ТошМИ ўқув корпусларини қуриш ишларида ҳамда бошқа объектларда белгиланган вазифаларни графикда бажаришга эришмоқдалар.

«Строймеханизация» трести аъзолари иккинчи кварталда янада зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Чунки, улар ярим йил натижаларини сарҳисоб қилиш учун Киевдаги ҳамкасблари ҳузурига боришади.

АВСТРИЯ ЭЛЧИХОНАСИГА БОРИШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе Австрия Республикасининг Федерал Президенти Франц Йонас вафот этганлиги муносабати билан 27 апрелда Австрия элчихонасига бордилар.

Н. В. Подгорний, А. А. Громико ва М. П. Георгадзе бир дақиқа сукут сақлаб Франц Йонас хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Улар СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва совет халқи номидан Австриянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Хайнрих Хаймерлега ва элчихонанинг дипломатик составига Франц Йонас вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик изҳор этдилар ва мотам дафтарига имзо чекдилар.

(ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланувчи алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1974 йил 26 апрелда Совет Иттифоқида «Молния-2» алоқа йўлдоши чўзиқ эллипс орбитасига чиқарилди. Йўлдош ичига сантиметрли тўлқинлар диапазони системасининг ишлашини таъминлайдиган ретрансляция аппаратлари ўрнатилган.

«Молния-2» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон-телеграф радио алоқаси системасини ишлатишни таъминлаш, СССР Марказий телевидение программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига юбориш ва халқаро ҳамкорлик учун мўлжалланган.

«Молния-2» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилади.

ШОЛИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида шоли экишнинг борыши тўғрисида шу йил 27 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план (гектар ҳисобида); учинчи стун — бир кунда экилган майдон; тўртинчи стун—жами экилгани; бешинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Сурхондарё	4105	200	2710	66,0
Наманган	3301	97	2128	64,5
Андижон	2963	47	754	25,4
Самарқанд	2100	78	446	21,2
Фарғона	2401	34	409	17,0
Тошкент	10768	266	1338	12,4
Сирдарё	7623	30	163	2,1
Қорақалпоғистон АССР	37470	—	506	1,3
Хоразм	9196	—	—	—
Республика бўйича жами экилган майдон	79927	752	8454	10,6

НАМАНГАН область Поп районидаги 1-ўрта мактабда «Юлдуз» ансамблининг ташкил этилганига кўп бўлганича йўқ. Аммо, бу ансамбль аллақачон ўзининг мухлисларини топиб олган. Яқинда коллектив республика мактаб ўқувчиларининг «Санъат байрами»да қатнашиб, муваффақият қозонди. Суратларда: ансамбль қатнашчилари репетиция ўтказмоқдалар.

С. Маҳкамов фотолари.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

КИТОБ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Москвалик санъатшунос-журналист Семён Черток бир қанча вақт Африкада яшаб, қитъа киносининг ўтмиши ва бугунини ўрганди. У Африкада илк марта 1896 йилда биоскоп проекцион аппарати пайдо бўлганини аниқлади. Узоқ изланишлардан сўнг Африка киносининг пионерларини топди.

Сўнгра Африканинг йирик кинорежиссёрлари Сембен Усмон, Дизери Экари ва Медо Хондолар илк фильмларининг мазмуни «Европа воқелиги ва Парижда яшаётган африкаликлар тақдирини кўрсатишдан иборат бўлганлигини пайқади. Ниҳоят, Африканинг биринчи тўла метражли бадиий фильмини томоша қилди. Бу фильм Сембен Усмон қаламига мансуб бўлиб, «Қора танли» деб аталарди. Шу тариқа якинда СССР Кинематографчилар союзининг совет кино санъати пропаганда бюроси томонидан нашрга тайёрланган «Дастлабки қадамлар. Қора Африка киноси» асари майдонга келди.

Бир вақтлар францияли кинотарихчи Жорж Садул шундай деб ёзган эди: «1896 ва 1960-йиллар орасидаги қора Африка киноси тарихини уч сўзда ифодалаш мумкин: у бўлмаган эди».

Муаллиф Жорж Садул тилга олган даврни ўрганиб, бу йилларда бир қанча фильмлар яратилганлигининг гувоҳи бўлади. Лекин у бу фильмларни ким яратган, уларда нималар ҳикоя қилинганлигига келганда ҳеч иккиланмай Жорж Садулга қўшилади ва 1896—1960 йиллар орасида Африка киноси бўлмаган дейди. Чунки, ўша йилларда яратилган фильмларнинг авторлари европаликлар эди. Уларнинг асарлари мавжуд колониал ҳукмронликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ғояси билан суғорилган бўлиб, африкаликларнинг инсонлик шарафи аёвсиз ерга урилган, камситилган, ҳақоратланган эди.

Фақат иккинчи жаҳон урушидан сўнггина Африкада кинонинг моҳиятини тушуниб етганлар пайдо бўлди. Булар Морис Ташман, Патрис Лумумба ва Сембен Усмонлар эди.

Сембен Усмон кинони «Африка халқи олдида турган проблемаларни англаб етишда уларга ёрдам берадиган санъатнинг энг тушунарли хили» дейди. Нима учун «энг тушунарли?». Бу саволга Сембен Усмоннинг қуйидаги сўзларини жавоб деса бўлади: «Мен ёзувчиман — ўз ишим билан шуғулланишни истайман. Фильм билан романни қиёслаганда, шубҳасиз, иккинчиси дунёни билиш ва тасвир этишнинг юксак даражасидир. Лекин мен 90 процент аҳолиси саводсиз, кишиларига ҳатто газета ҳам тушунарсиз бўлган кора Африкада яшайман. Шунинг учун, африкаликлар билан алоқа қилмоғим учун қанчалик қийин бўлмасин, экран тилини эгаллашим керак. Африканинг на бозорларида, на масжид-мадрасаларида кинода бўлганчалик одамни кўрмайсиз. Кинотеатр зали — қора Африкада энг яхши кечки мактаб».

Сембен Усмон ўз сўзига амал қилиб, экран тилини Москвада ўрганди. Кўп ўтмай ўзининг илк фильмини яратди. «Аравакаш» деб аталган мазкур картина ноҳақликка, кишиларга нисбатан ҳурматсизликка, очлик ва мухтожликка қарши қатъий норозилик руҳи билан суғорилган эди.

Сембен Усмоннинг африкаликларда ўз-ўзини англаб етиш туйғусининг уйғонишини кўрсатувчи «Эмитаи» фильми совет томошабинларига анчадан буён таниш.

Семён Черток Африка қитъасида биринчилардан бўлиб В. И. Ленининг машҳур сўзларини ўқий олган ва ўнинг самарали таъсири туфайлигина икки юз йигирма беш миллионли саводсиз қитъани саводли қилишнинг, ўзларини англаб етишга ёрдам беришнинг бирдан-бир калити кино эканлигини била олган Сембен Усмон ҳақида чуқур ҳурмат билан ёзар экан, Жорж Садул башоратининг юз фоиз ҳақиқатга айланганлигини таъкидлайди.

Мавританиялик Медо Хондонинг «О қуёши», нигерлик Умару Ганданинг «Кабаскабо», сенегаллик Ав Тидианнинг «Билганлар учун», сомалилик Хўжа Муҳаммад Жумалининг «Қишлоқ ва шаҳар», гвинеялик Коста Ндианнинг «Кеча, бугун, эртага», сенегаллик Абубакар Самбнинг «Қор ҳам бошқа ёғмади» фильмлари муаллиф фикрича чуқур миллий руҳ билан суғорилган — талантли асарлардир.

Китобнинг диққатга сазовор томонларидан бири шундаки, муаллиф ўтказилиб келинаётган анъанавий кинофестивалларнинг худди шу Африка қитъасининг кино санъати арбобларига улкан ва қимматли даҳли борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Негаки, ижтимоий ожизлик натижасида ёш Африка давлатлари ҳанузгача бир-бирларининг киноларн билан кам таниш бўлиб қолмоқдалар. Мана, сенегаллик Полен Виэйра нима дейди: «Африка фильмларини кўриш учун Тошкентга ёки Парижга, Москвага ёки Лос-Анжелосга бориш керак. Қизиғи шундаки, Гана ва Сомали фильмларини мен биринчи марта Тошкентда, Осиё ва Африка мамлакатларининг биринчи кинофестивалида кўрдим. Худди ўша ерда уларнинг авторлари билан танишдим. Биз ҳатто қўшниларимизнинг фильмларидан ҳам бехабармиз. Мавритания билан ёнма-ён бўлсак ҳам, Медо Хондонинг ажойиб картинаси «О қуёши»ни Тошкентда кўришга муяссар бўлдим».

Шу маънода навбатдаги бўлажак Осиё ва Африка мамлакатлари Учинчи халқаро кинофестивалининг аҳамияти жуда катта ва қимматлидир.

Ю. БЕРДИЕВ.

АХБОРОТ

ПОЧТА ҚУТИСИДАН

ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

МОСКВА. Марказий кўргазма залида СССР бадиий академияси аъзолари асарларидан иборат виставка ташкил этилди. Кўргазмага қўйилган асарлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин ҳамда СССР Давлат мукофотининг лауреатлари бўлган мўйқалам усталарининг ишлари бор. Кўргазма Бутунроссия бадиий академияси СССР бадиий академияси номини олганлигига 25 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилди.

Юбилей кўргазмасида тасвирий санъатимиз дурдоналари — совет рассомчилиги олтин фондига киритилган асарлар, шунингдек кейинги йилларда яратилган полотнолар намойиш қилиняпти. Кўргазмада СССР бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, ажойиб манзарали расмлар устаси Урол Тансиқбоев асарлари ҳам намойиш қилиняпти. Томошабинлар унинг серқуёш Узбекистон кўринишларини мадҳ этувчи «Қайроқум ГЭСида тонг», «Панж оқшоми», «Менинг қўшиғим», «Тоғда», «Чорвоқ қурилишида», «Чимён йўли» сингари ранг-баранг, сержило тасвирларини кўрадилар.

С. КОСТИРКО.

ГУЛШАН—ЯНГИ ШАҲАРЧА

НАМАНГАН. Бу шаҳарча Чортоқ посёлкасининг шимолида барпо этиляпти. Янгиқўрғонликлар «Чортоқ» санаторийсининг ёнгинасида бўлажак ёшлар шаҳарчасига пойдевор қўйиб, хайрли ишга қўл урдилар. Гулшан 75 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда кўркам замонавий биноларнинг қад ростлаши. Янги шаҳарда истиқомат қилувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига ҳам эътибор берилган. Бу ерда 400 ўринли кинотеатр, салкам 500 ўқувчини бағрига оладиган мактаб, қатор сотувчисиз магазинлар, болалар боғча-яслилари ҳамда стадион ва спорт майдончаларн қурилади.

А. ОТАЖОНОВ,
М. ТОЖИДДИНОВ.

ЁШЛАР ЭКРАНИ

ТОШКЕНТ. Тўққизинчи ўрта мактабда болалар экрани иш бошлади. Илк марта намойиш қилинган фильмлар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллик юбилейига бағишланган тарихий картиналар бўлди. Болалар кинотеатрини очишда шаҳардаги «Спутник» кинотеатри коллективи яқиндан ёрдам берди, Болалар учун мўлжалланган кино театр 110- мактаб қошида ҳам ташкил этилди. Узбекистон ССР Маориф министрлиги ва республика Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети болалар кинотеатрларини Узбекистоннинг бошқа областларида ҳам очишни мўлжаллямоқда.

Э. ҚОДИРОВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБА „ЗАНГОРИ ЭКРАН"ДА

Завод лабораторияси — корхоналарда фан-техника тараққиётининг негизи (Тошкент тўқимачилик комбинати ва Фарғона химия толалари заводи мисолида).

Андижон область пахта тозалаш заводларининг янги техника ихтирочилари.

Завод лабораториялари ва машинасозлик корхоналари бўлимларининг электр ўлчов линияларини назорат қилиш объектив методларини тадқиқ этиш ва жорий қилиш соҳасидаги тажрибаларини алмашиш.

Тошкент авиация заводи лабораториясининг таҳлил қилиш ва назорат бўйича замонавий методларни қўлланиш соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашиш.

Технология жараёнларини бошқариш системасини автоматлаштириш — ишлаб чиқаришни такомиллаштириш негизи.

Тошкент авиация заводи лабораторияларида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш.

Олмалиқ химия заводидаги янги техника ижодкорлари (ихтирочиларнинг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашдаги иштироки).

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида фан-техника тараққиёти ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

Завод лабораториялари ва бўлимларнинг кўплаб ишлаб чиқариладиган деталлар сифатини назорат қилиш статистика методларини жорий этиш соҳасидаги тажрибалари.

«Таштекстильмаш» заводи лабораториялари ва бўлимларининг виброголовкадан фойдаланилган ҳолда штамповка қилинган деталларни тозалаш соҳасидаги тажрибалари.

Жиззах уйсозлик комбинатида янги техника ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш воситаларини жорий этиш тажрибаси.

Қўқон ёғ-мой комбинатининг юқори сифатли пахта ёғи ишлаб чиқаришда қўллаётган янги усули.

Пахта тозалаш техникаси ижодкорлари («Союзхлопкомаш»).

Кейинги беш мавзу телевизион фан-техника семинари тарақасида ўтказилиши кўзда тутилган. Унда республика корхоналари ва инженер-техник ходимлари ва олимлар иштирок этадилар.

Н. РИЗАЕВ,
профессор, фан-техника билимлари телевизион университетининг раиси.

Фан-техника тараққиётининг бугунги суръат ва миқёси фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқаларини тобора мустаҳкамлашни тақозо этади. Илмий тадқиқот институтлари ва саноат корхоналари ўзаро ҳамкорлигининг янада самаралироқ формаларини жорий этмоқ керак. Ишлаб чиқариш командирлари ҳамда ташкилотчилари илмий-техникавий даражасини муттасил ошириб бориш зарурлиги бугунги талаблар нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этяпти. Республикамизнинг айрим корхоналарида фан билан ҳамкорлик соҳасида муайян тажриба тўпланди. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқон ёғ-мой комбинати, Самарқанд «Гелион» заводининг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ижодий ҳамкорлиги эътиборга лойиқ.

Илғор саноат корхоналари коллективларининг тажрибаларини кенг ёйиш инженер-техник ходимларнинг катта отрядини прогрессив технология жараёнларини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган системасини, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишга кенг жалб этишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи доимий кенгаш қарори билан ташкил қилинган фан-техника билимлари телевизион университети бу масалаларни муваффақиятли ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиши табиий. «Прогресс» телевизион программаси базасида ташкил этилган бу университетнинг 1974 йилги кўрсатувлари тематик планига фан, техника ва илғор тажрибанинг қуйидаги актуал масалалари киритилган.

Комбайнчилар курси

Бахмал райони галлакорлари бу йил 34 минг тонна дон етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун комбайнчилар сони кўпайтирилади. Шу мақсада «Қорақишлоқ» совхози устахонасида комбайнчилар курси очилди. Курсда «Рассвет» ва «Гулбоғ» колхози ҳамда бошқа хўжаликлардан келган 35 нафар йигит ўқимоқда.

Районда комбайнчи бўлиш истагини билдирган қизлар ҳам кўп. Шунинг учун совхозда яна бир комбайнчилар курси очилиб, унга асосан хотин-қизлар қабул қилиняпти.

Н. МИРЗАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

29 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Мультфильм. 19.25 — Оламда нима гап? 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Тележурнал. 20.10 — Пахтакорлар байрамолди вахтасида. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40— «Ахборот». 21.00 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Саноат ходимлари учун кўрсатув. 22.55 — Пойтахтимиз меҳмонлари. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.55 — МОСКВА. 19.05 — Телефильм. 20.15 — **Баҳор** (бадиий фильм). 22.00 —Ҳужжатли фильмлар экрани (Тошкент). 22.30 — Ёш овозлар. 24.00 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

30 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Болалар учун кўрсатув. 18.40— Кинокўрсатув. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Биринчи майга меҳнат рапортлари. 20.15 — **Мен кашф этган Узбекистон** (адабий театр) 21.05 — «Ахборот». 21.25 — Бахт ва баҳор қўшиқлари. 22.00 — Вақт. 22.30 — **Ниҳоллар** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.40 — Эфирда — «Молодость». 19.10 — Янгиликлар, 19.20 — Ассалом, 1 Май! 19.35 —Мамлакат байрам арафасида. 20.20— **Телба кун ёки Фигоронинг уйланиши** (фильм-спектакль). 22.00— Ҳужжатли фильмлар экрани (Тошкент). 22.30 — Фильм спектаклнинг давоми. 22.45 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Жонгинам** (телеспектакль). 20.35 — Телефильм. 20.50 — **Ҳеч ҳазили йўқ** (бадиий фильм).

1 МАЙ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. **Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намойиши.** 12.40 — МОСКВА. **Қизил майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намойиши.** 15.00 — Концерт. 15.30 — Бадиий фильм. 16.50 — Халқаро программа. 17.10 —Цирк майдонида. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 — **Валерка ва Ремка** (бадиий фильм). 18.50 — Май гуллари. 19.20 — **Нуйла, Санобар** (фильм-концерт). 19.50 — **Қароқчи чоллар** (бадиий фильм). 21.20 — «Ахборот». 22.00 — Байрам концерти. 24.00 — МОСКВА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — МОСКВА. 19.35 — **Ашула ўқитувчиси** (бадиий фильм). 21.00 — Янгиликлар, 21.15 — Телефильм. 21.30 — «Голубой огонёк». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Телефильм. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.25— Концерт. 20.55 — **Оқ тунларни кузатиб** (бадиий фильм).

2 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25— — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Болалар учун кўрсатув. 10.10 — **Сенини, шошмайтур** (мультфильм). 19.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.40 — Болалар учун кўрсатув. 17.35 — «Ахборот». 17.40 — **Оламга саёҳат.** 18.40 — «Ахборот». 19.00 — МОСКВА. **Футбол: ЦСКА** — «Динамо» (Москва). 20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 22.55 — МОСКВА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — **Дилбарим** (бадиий фильм). 16.30 — МОСКВА. 17.00 — Совет Иттифоқи чет эллиқ дўстларимиз нигоҳида. 17.20 — Мультконцерт. 17.50 — **Менинг тақдирим** (бадиий фильмнинг 1- серияси). 19.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 19.30 — **Ер-ёр** (бадиий фильм). 21.00 — Адресимиз — Совет Иттифоқи (Москва). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Москва. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Рақсга таклиф этамиз. 19.30 — Катталар учун мультфильм. 19.50 Концерт. 20.25 — **Цирк майдонига йўл** (бадиий фильм).

3 МАЙ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45— ТОШКЕНТ. 9.50 — Янгиликлар. 10.00 — Кинофильм. 10.30 — Болалар учун кўрсатув. 11.00 — МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — **Сенини, шошмайтур** (мультфильм). 18.20 — «Ахборот». 18.35 — **Шашмақом** (телефильм). 19.40 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.00 — **Телеминиатюралар.** 20.40 — — «Ахборот». 21.00 — «ЧАШМА» (якунловчи концерт). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концертнинг давоми. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. **Истеъдод** (бадиий фильм). 12.30 — Экран — болаларга. 18.05 — МОСКВА. 18.15 **Хайвонот оламида.** 19.15 — **Менинг тақдирим** (бадиий фильмнинг 2- серияси). 20.30 — Концерт. 21.35 — Эстрада концерти. 22.00 —Ҳужжатли фильмлар экрани (Тошкент), 22.30 — Останкинода байрам оқшоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.55 — ФРУНЗЕ КЎРсатувлари.

4 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55— ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — **Сенини, шошмайтур** (мультфильм). 10.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 —«Будильник». 11.40 — Бадиий фильм. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — **Букри тойчоқ** (телефильм). 15.30 — Мусиқа жавони. 16.00 — Қишлоқ янгиликлари. 17.00 — Концерт 17.30 — Социализм дунёси. 17.50 — Музикали кўрсатув. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Телефильм. 18.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — Танбур тароналари. 20.20 — Пахта усталари минбари. 20.35 —«Ахборот». 20.55 — Кулги кечаси. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Сенинг тақдиринг учун** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.20 — МОСКВА. 18.30 — **Киносаҳатчилар клуби.** 19.30 — **Менинг тақдирим** (бадиий фильмнинг 3- серияси). 20.50 — Эстрада программаси. 22.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади, (Тошкент). 22.30 — Театр учрашувлари. 23.55 — Жаҳон халқлари ижоди. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

5 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Кинофильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — Ёшлар ижоди. 19.35 — «Ахборот». 19.50— Олинган мажбуриятлар изидан. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 «Ахборот». 20.50 — Матбуот кунига бағишланган кўрсатув. 21.10 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Спорт программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ, Ўқув кўрсатувлари. 18. 20 —МОСКВА. 18.50 — Янгиликлар. 19.00— Моҳир қўллар. 19.30 — Бўғин — Матбуот куни. 20.00 — **Халоскорлик** (бадиий фильмнинг 1- серияси). 21.30 — Музикали программа. 22.00 — ТОШКЕНТ. Киноэкран янгиликлари. 22.30 — **Тўртинчи** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Фильм-концерт. 20.25 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.45 — **Дўппи кийган фаришта** (бадиий фильм).

МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1974 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1974 йил 1 Май соат 10 да В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари бўйича ўз йиғилиш пунктларида тўпланиб, уюшган ҳолда район колонналари билан бирга белгиланган маршрут бўйича В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

В. И. Ленин номли майдонга таклиф билетлари билан борувчи кишиларни қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускали автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида —Навоий, Энгельс, Пролетарская, Ш. Руставели, Б. Хмельницкий, Фурқат, К. Маркс кўчаларида соат 6 да тўхтатилади ва намойиш тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

ШАҲАР 1 МАЙ КОМИССИЯСИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбек Давлат филармонияси
1-2 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА
САНЪАТ САРОЙИДА
3 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

Қатнашадилар:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Вилоят ОҚИЛОВА, Ҳадяхон ЮСУПОВА;
Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: ДИЛБАР ФАЕЗОВА, ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА;
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Бобомурод ҲАМДАМОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Рашида РАҲИМОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Роза КАКУРИЕВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Қодир МУМИНОВ, Собир МАҲКАМОВ (оригинал жанр);
Машҳур аскиячилар: ЗАННОБИДДИН ва МАДАМИН ЮСУПОВлар (Маргилон);
Телеминиатюра ва сўз устаси
ҲАСАН ЙЎЛДОШЕВ
ОДИЛЖОН ОХУНЖОНОВ, УТКИР СИДДИҚОВ (конферанс, интермедия, сатира ва юмор);
Бутуниттифоқ «Октябрь 40 йиллиги» фестивали ва Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати
«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАҚИМ НИШОНОВ.
ФОЙЕДА: аскиячилар, оригинал жанр артистлари, хонанда ва созандаларнинг чиқиши.
1-2 май концертларига билетлар Санъат саройи ва Свердлов номли концерт зали кассаларида кундуз соат 2 дан сотилади.
3 май концертига билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/IV да Оққуш кўли (кундузи), Севги ва қилич (кечқурун).
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да Йўқолган узук (кундузи), Комиссия (кечқурун).
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да Олифта (кундузи), Ҳалима (кечқурун), 29/IV да Тоғ гўзали.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва шаҳридаги «ПОИСК» ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

Резидентнинг хатоси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).
Италиялиларнинг Россиядаги ғалати саргузаштлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ. «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Бошсиз чавандоз — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).
Мультфильмлар тўплами — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Тош бағир отанинг ўғиллари — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
кафедра мудири: марксчаленинча эстетика ва этика (профессор);
кафедра катта ўқитувчилари: расм, архитектура;
кафедра ўқитувчилари: тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, саноат графикаси, монументал наққошлик.
КОНКУРС МУДДАТИ 15 МАЙГАЧА.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй, кадрлар бўлими, телефон 33-44-36.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
1 МАЙ СОАТ 17.00 ДА;
2, 3 МАЙ СОАТ 11.00, 15.00, 19.00 ДА;
4 МАЙ СОАТ 11.00, 15.00 ДА;
5 МАЙ СОАТ 11.00; 15.00 ДА:
«БРЕМЕН МУЗИКАЧИЛАРИ»
НОВОСИБИРСК МУЗ УСТИДА ВАЛЕТИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
Билетлар Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида сотилмоқда.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, Ўзбекистон ССР Журналистлар ва Ёзувчилар союзлари, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, «Шарқ Юлдузи» журнали коллективлари истеъдодли журналист-ёзувчи
Турғун ПУЛАТнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Р. 01438. Тошкент шаҳри. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, ИНДЕКС 64583. А. — 101.